

Тошкент вилоятида «Йил имоми-2023» кўрик-танловнинг шаҳар-туман босқичи ғолиблари аниқланди



17:38 / 28.08.2023 2254

Имомлик – шараф, масъулият, шу билан бирга, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саломнинг муборак касбларидир. Шу боис имом ҳар доим маърифатли, ўз устида тинимсиз ишлаши, соҳага доир янгиликлардан доимо хабардор бўлиши керак. Бундай даражарага эришиш учун эса Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида фаолият юритаётган имом-хатиблар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йил имоми» кўрик-танлови муҳим ўрин тутди.

Танловнинг шаҳар-туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 22

нафар имом-домла вилоят босқичида қатнашди.

Тадбир Қуръони Карим тиловати билан бошланди.

Иштирокчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланиб борилди. Якуний натижаларга кўра қуйидагилар «Йил имом-2023» танловининг Тошкент вилояти босқичи ғолиби деб топилди:

I ўрин: Дониёр домла Икромов, Тошкент тумани «Айри ота» жомеъ масжиди имом-хатиби;

II ўрин: Фаррух домла Султонов, Зангиота тумани «Мир Абдуллоҳ эшон» жомеъ масжиди имом-хатиби;

III ўрин: Эргашбой домла Ҳамидов, Бекобод шаҳар «Оқ масжид» жомеъ масжиди имом-хатиби.

Тадбир сўнгида ғолиблар ЎМИ вилоят вакиллиги томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Йил имоми-2023» кўрик-танлови вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаган Дониёр домла Икромов танловнинг республика босқичида қатнашади.

Тошкент вилояти вакиллиги Матбуот хизмати

